

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДАГИ  
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 07/27.02.2020. Yu/ 108.01-  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ  
ҲУЗУРИДАГИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ**

**СУЛАЙМАНОВ ОДИЛЖОН РАББИМОВИЧ**

**СУД ҲОКИМИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИГА ОИД ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ  
СТАНДАРТЛАРНИ ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ  
ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ**

**12.00.10 – Халқаро ҳуқуқ**

**Юридик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)**

**Content of the abstract of doctoral dissertation(DSc)**

**Сулайманов Одилжон Раббимович**

Суд ҳоқимияти мустақиллигига оид халқаро-ҳуқуқий стандартларни имплементация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари..... 3

**Sulaymanov Odiljon Rabbimovich**

Organizational and legal issues of the implementation of international legal standards in the field of independence of judicial power ..... 31

**Сулайманов Одилжон Раббимович**

Организационно-правовые вопросы имплементации международно-правовых стандартов в сфере независимости судебной власти..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 61

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДАГИ  
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 07/27.02.2020. Ҳу/ 108.01-  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ  
ҲУЗУРИДАГИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ**

**СУЛАЙМАНОВ ОДИЛЖОН РАББИМОВИЧ**

**СУД ҲОКИМИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИГА ОИД ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ  
СТАНДАРТЛАРНИ ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ  
ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ**

**12.00.10 – Халқаро ҳуқуқ**

**Юридик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/Yu120 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.uzmarkaz.uz](http://www.uzmarkaz.uz)) ва “Ziynet” Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Саидов Акмал Холматович**  
академик, юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Маматов Худоёр Тешаевич**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Умарахунов Иркин Мирзахидович**  
юридик фанлар доктори

**Исмаилова Гулноза Сайдиганиходжаевна**  
юридик фанлар доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Бош  
прокуратураси Академияси**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази ҳузуридаги DSc 07/27.02.2020.Yu/108.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 29 декабрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Катта Дархон кўчаси, 8-уй. Тел.: (99871) 234-56-02; факс: (99871)234-55-63, e-mail: [yurmarkaz@adliya.uz](mailto:yurmarkaz@adliya.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4708-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Катта Дархон кўчаси, 8-уй. Тел.: (99871) 234-51-82.

Диссертация автореферати 2020 йил 15 декабрда тарқатилди.

(2020 йил 15 декабрдаги 2-рақамли реестр баённомаси).

**А.А.Отажонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**Ш.Н.Рахмонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар номзоди

**М.А.Тиллабаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, доцент

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги глобаллашаётган даврда бутун дунёда суд ҳокимияти мустақиллиги ва одил судловга эришиш масаласи тобора аҳамиятли ва долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг маълумотларига кўра, суд ҳокимияти мустақиллиги ва судьяларнинг ўз фаолиятларини эркин амалга ошириши бўйича ҳанузгача жиддий муаммолар учраб турибди. Судьялар ўз профессионал фаолиятларини амалга оширишларида таҳдидлар, аралаштиришлар, қўрқитишлар ва ўзбошимчалик билан қўлга олишларга дучор бўлмоқда<sup>1</sup>. Шу нуқтаи назардан суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро стандартларни имплементация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини такомиллаштириш одил судловга самарали эришишни таъминлаш воситаси сифатида баҳоланиб, ушбу мавзуда тадқиқот олиб бориш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда ишнинг мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиш ҳуқуқини таъминлаш, суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро стандартларни имплементация қилиш муаммолари, суд ҳокимияти мустақиллигининг институционал ва индивидуал жиҳатларини жорий қилиш, одил судловнинг ахлоқий-этик жиҳатлари ҳамда судьялар интизомий жавобгарлигига оид халқаро стандартларни такомиллаштириш, судьялар корпусини шакллантириш ва суд ҳокимияти ҳисобдорлигини татбиқ қилиш бўйича тадқиқотлар ўтказишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистонда ҳам суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро стандартларни имплементация қилиш, одил судлов самарадорлигини ошириш, халқаро рейтингларда мамлакатимиз ўрнини яхшилаш масаласига устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Бунга Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан 2019 йилда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Судьялар ва адвокатлар мустақиллигини таъминлаш бўйича махсус маърузачисининг Ўзбекистонга таклиф этилиши ҳамда у томонидан БМТ Бош Ассамблеяси Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 44-сессиясида Ўзбекистонда суд ҳокимияти мустақиллиги борасида эришилган ютуқлар ва мавжуд муаммолар бўйича ўз маърузасини тақдим қилиниши<sup>2</sup>, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4210-сон қарори<sup>3</sup> мисол бўлади.

Ўзбекистонда суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари билан боғлиқ суд ишларига аралаштиришлар ва ташқи

<sup>1</sup> Специальный докладчик по вопросу о независимости судей и адвокатов// <https://www.ohchr.org/RU/Issues/Judiciary/Pages/SRJudgeslawyersIndex.aspx>

<sup>2</sup> Доклад Специального докладчика по вопросу независимости судей и адвокатов. Посещение Узбекистана. <https://undocs.org/ru/A/HRC/44/47/Add.1>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4210-сон қарори <https://www.lex.uz/docs/4215422#undefined>

босимни бартараф қилиш билан боғлиқ масалалар, суд раисларининг ваколатини вакиллик ва маъмурий функциялар билан чеклашнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари, судьяларни танлаш ва тайинлаш ҳамда қайта тайинлашнинг мезонларини халқаро стандартларга мослаштириш зарурати, судьяларни тайинлаш билан боғлиқ бўлган қарорлар фақат Судьялар олий кенгаши томонидан, ижро ҳокимиятини жалб этмаган ҳолда қабул қилиниши кераклиги, Судьялар олий кенгаши аъзоларини танлаш ва тайинлаш тартибини халқаро стандартларга мослаштириш зарурати, суд ҳокимиятини фақат республика бюджетининг маблағлари ҳисобидан молиялаштириш зарурати, судьяларга нисбатан интизомий ишларни кўзғатиш бўйича ҳозирда мавжуд бўлган асосларнинг умумий ва кенглиги каби муаммолар бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ва изчил суд-ҳуқуқ ислохотларининг туб замирида Конституциямизда олий қадрият сифатида белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқларини таъминлаш ғояси туради. Зеро, фақат қонунларга итоат қилган ҳолда адолатли қарорлар қабул қилиш суд органлари ва судьялар мустақиллигининг энг зарурий мезони ҳисобланади. Фақат шундагина, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда, “суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон, Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши”<sup>4</sup> мумкин бўлади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг Халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4210-сон қарори ва “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид 2020 йил Давлат дастури иккинчи йўналишининг 2.1.-бандида кўрсатилган вазифаларни ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини муайян даражада амалга оширишга хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республикада фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>5</sup>.** Суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро ва минтақавий стандартларни

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020 й. <https://president.uz/uz/lists/view/3324>

<sup>5</sup> Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи [www.europeanlawinstitute.eu](http://www.europeanlawinstitute.eu), [www.law.ox.ac.uk](http://www.law.ox.ac.uk), [www.law.columbia.edu](http://www.law.columbia.edu), [www.fjc.gov](http://www.fjc.gov), [www.rgup.ru](http://www.rgup.ru), [www.law.msu.ru](http://www.law.msu.ru), [www.deutsche-richterakademie.de](http://www.deutsche-richterakademie.de), [www.uni-muenchen.de](http://www.uni-muenchen.de), [www.ejtn.eu](http://www.ejtn.eu), [www.pantheonsorbonne.fr](http://www.pantheonsorbonne.fr), [www.law.nagoya-u.ac.jp](http://www.law.nagoya-u.ac.jp), [www.courts.go.jp](http://www.courts.go.jp) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

такомиллаштириш ва миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалалари бўйича илмий тадқиқотлар етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида, жумладан, British institute of international and comparative law (Буюк Британия), Federal Judicial Center (АҚШ), German Judicial Academy (Германия), The Sorbonne Research Institute for International and European Studies (Франция), The Legal Training and Research Institute of Japan (Япония)да олиб борилмоқда.

Суд ҳокимияти мустақиллигининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларига оид қайд этилган хорижий илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган: ишнинг ошқора ва адолатли талабларга риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқиш ҳуқуқи (British Institute of International and Comparative Law, Буюк Британия), судьяларни танлаш ва тайинлашда ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятларнинг роли минималлаштирилиш (Federal Judicial Center, АҚШ), судьяларни танлаш ва тайинлаш меъзонлари Конституция ва қонунларда аниқ белгилаб қўйилиши (German Judicial Academy, Германия), судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш асосларини қонунда аниқ белгилаш (The Sorbonne Research Institute for International and European Studies, Франция), одил судловнинг ахлоқий-этик жиҳатлари одил судловни самарали амалга оширишнинг кафолати (The Legal Training and Research Institute of Japan, Япония).

Бугун дунёда суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро стандартларни имплементация қилишга оид қуйидаги устувор йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда: глобаллашаётган ва рақамлашаётган дунёда суд ҳокимиятини ислоҳ қилиш; ўтиш даврида суд ҳокимиятининг ўрни ва роли; суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг замонавий муаммолари; суд ҳокимияти ва ҳисобдорлик; одил судловнинг ахлоқий-этик жиҳатлари ва судьялар интизомий жавобгарлигини такомиллаштириш; суд ҳокимиятини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш; суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро стандартларни имплементация қилиш шакллари ва усулларни такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Суд ҳокимиятининг мустақиллиги, давлат ҳокимияти ваколатлари тақсимланишида суд ҳокимиятининг ролига оид муаммоларни ўрганишда мамлакатимиз олимлари – А.Х.Саидов, Х.Т.Одилқориев, А.С.Турсунов, Л.А.Саидова, Ф.Х.Отахонов, М.А.Тиллабаев, Б.Н.Тошев, И.М.Умароҳунов, Х.Т.Маматов, Г.С.Исмаилова, А.Р.Мўминов асарларида таҳлил этилган.

Шунингдек, инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалалари Б.И.Исмоилов (инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасидаги халқаро стандартлар ва Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилиги), А.Б.Ғафуров (халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий қонунчиликнинг ўзаро алоқаси), Г.Юлдашева (инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро-ҳуқуқий нормаларни Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигига имплементация

қилиш), Н.А.Нугманов (Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг қўлланилиши) илмий ишларида ўрганилган.

Халқаро ҳуқуқ нормаларини судларда қўллаш, халқаро ҳуқуқда норма ижодкорлигининг ўзига хос хусусиятлари И.И.Бобоқулов (халқаро ҳуқуқда норма ижодкорлигининг ўзига хос хусусиятлари), Х.М.Турсунов (халқаро ҳуқуқ нормаларини судларда қўллаш муаммолари), Ш.Н.Раҳманов (халқаро ташкилотларнинг резолюцияларини халқаро ҳуқуқнинг манбаси сифатида тан олиш), Д.Ю.Саттаров (халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари БМТ Халқаро суди фаолиятининг асоси сифатида) илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг шаклланиши ва ривожланиши, суд ҳокимиятининг ўрни, судьялар корпусини шакллантириш масалалари Ф.Ф.Мухитдинова (Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг шаклланиши ва ривожланиши), Ш.О.Умарова (Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат курилишида суд ҳокимиятининг ўрни), Ж.Х.Абдурахмонхўжаев (Ўзбекистонда судьялар корпусини шакллантиришни такомиллаштириш ва улар мустақиллигини таъминлаш) илмий ишларида ўрганилган.

Суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро-ҳуқуқий стандартларнинг юридик табиати, суд ҳокимияти ҳисобдорлиги, судьялар одоб-ахлоқ қоидалари ва интизомий иш юритишга доир халқаро стандартларнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижий олимлар ва тадқиқотчилар В. John, D.J. Beers, M. Bobek, D. Kosar, M. Cappelletti, C. Geyh, D. Drummond, M. Lachs, D. Pimentel, Ph. Russell, D.M. O'Brien, P. Mahoney, L. Seidman, J.J. Spigelman, S. Shetreet, N. Stephen, И. Лукашук, И.М. Лифшиц, Р.А. Мюллерсон томонидан тадқиқ қилинган<sup>6</sup>.

Халқаро ҳуқуқ назариясида мазкур муаммонинг илмий ўрганилганлик даражаси шуни кўрсатадики, илмий тадқиқотларда инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш, халқаро ҳуқуқ нормаларини судларда қўллаш, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг шаклланиши ва ривожланиши, суд ҳокимиятининг ўрни, судьялар корпусини шакллантириш каби масалалар ўрганилган.

Мазкур тадқиқотларнинг таҳлили суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро-ҳуқуқий стандартларни имплементация қилишнинг ташкилий-

---

<sup>6</sup> Bell John. *Judiciaries within Europe: A Comparative Review* (Cambridge Studies in International and Comparative Law). Cambridge University Press. 2006, Beers DJ. *Judicial self-governance and the rule of law. Evidence from Romania and the Czech Republic*. *Probl Post Communism* 2012, Bobek M, Kosar D *Global solutions, local damages: a critical study in judicial councils in Central and Eastern Europe*. College of Europe Research Paper in Law 2013, [http://aei.pitt.edu/47507/1/researchpaper\\_7\\_2013\\_bobek\\_kosar.pdf](http://aei.pitt.edu/47507/1/researchpaper_7_2013_bobek_kosar.pdf), Cappelletti, M. *The judicial process in comparative perspective*. Oxford: Clarendon Press. 1989, Drummond D. *Towards a more compliant judiciary? – Part I*. *Australian Law Journal*, 75(5), 304. 2001, Geyh C. *Straddling the fence between truth and pretense: The role of law and preference in judicial decision making and the future of judicial independence*. *Notre Dame Journal of Law, Ethics and Public Policy* 2008, Lachs M. *A few thoughts on the independence of judges of the International Court of Justice*. *Columbia Journal of Transnational Law* 1987, Pimentel D. *Reframing the independence v. Accountability debate: Defining judicial structure in light of judges' courage and integrity*. *Cleveland State Law Review* 2009, Russell Ph, O'Brien D.M. *Judicial independence in the age of democracy: critical perspectives from around the world*. University of Virginia Press, Charlottesville 2001, Mahoney P. *The international judiciary: Independence and accountability*. *Law and Practice of International Courts and Tribunals* 2008, Seidman L. *Ambivalence and accountability*. *Southern California Law Review*, 61(6), 1988, Spigelman J.J. *Judicial accountability and performance indicators*. *Civil Justice Quarterly*, 21(1), 18. 2002, Shetreet S. *Judicial independence: New conceptual dimensions and contemporary challenges*. Dordrecht: Martinus Nijhoff Publishers. 1985, Stephen, N. *Judicial independence – A fragile bastion*. In S. Shetreet & J. Deschênes (Eds.), *Judicial independence: The contemporary debate* Martinus Nijhoff Publishers. 1985.

ҳуқуқий масалалари билан боғлиқ назарий ва амалий масалалар комплекс ўрганилмаганлигини кўрсатди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби Кенгашининг 2019 йил 11 ноябрдаги мажлисида тасдиқланган ва Олий мактабнинг илмий-тадқиқот режалари дастурига киритилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро стандартларни Ўзбекистон миллий қонунчилигига имплементация қилишнинг назарий методологик жиҳатларини комплекс тадқиқ этиш орқали, суд ҳокимияти мустақиллиги принципини таъминлашнинг халқаро ва миллий механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий асослантилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ назариясида, шунингдек, универсал ва минтақавий халқаро шартномаларда халқаро стандарт тушунчасини ҳамда “юмшоқ ҳуқуқ” нормаларининг юридик табиатини тадқиқ этиш;

суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро ва минтақавий ҳужжатларни таҳлил қилиш, ушбу ҳужжатлардаги суд мустақиллигининг институционал ва индивидуал жиҳатларига қўйиладиган талабларни аниқлаш;

одил судловнинг ахлоқий-этик жиҳатларини тартибга солишга қаратилган халқаро стандартларни қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ қилиш;

судьяларга нисбатан интизомий иш юритишга доир халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар тажрибасини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилган ҳолда уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш истиқболларини белгилаш;

судьялар корпусини шакллантириш, суд ҳокимияти ҳисобдорлигига оид халқаро стандартлар ва Ўзбекистон қонунчилигининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича тегишли таклифлар тайёрлаш;

суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро стандартларни Ўзбекистон миллий қонунчилигига имплементация қилишнинг назарий методологик жиҳатларини комплекс тадқиқ этиш орқали, суд ҳокимияти мустақиллиги принципини таъминлашнинг халқаро ва миллий механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий асослантилган таклиф ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро-ҳуқуқий стандартларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига имплементация қилиш юзасидан вужудга келадиган халқаро-ҳуқуқий муносабатлардан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро-ҳуқуқий стандартлар, Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилиги, имплементация қилиш билан боғлиқ халқаро ва миллий институционал тизим, имплементация қилиш усуллари ва шу билан боғлиқ масалалар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида таҳлил ва синтез, умумлаштириш, диалектик, тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, юридик-техник, тарихий-ҳуқуқий, башорат қилиш каби махсус илмий услублардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

илмий назарий муомалада “ҳалқаро-ҳуқуқий стандарт” тушунчасига муаллифлик таърифи берилди. Унга кўра, халқаро-ҳуқуқий стандарт – халқаро ташкилотлар ёки давлатлар томонидан қабул қилинган принциплар, ҳуқ-атвор қоидалари кўринишида ифодаланган минимал халқаро-ҳуқуқий нормалар ҳисобланади. Минимал халқаро-ҳуқуқий нормалар – халқаро-ҳуқуқий тизимнинг ёки унинг алоҳида соҳасининг мўътадил фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган халқаро ҳамжамият томонидан қабул қилинган энг кам ҳуқуқий талаблардир. Халқаро-ҳуқуқий стандартлар давлатларнинг у ёки бу халқаро шартномага қўшилган ёки қўшилмаганига қараб, мажбурий ёки ихтиёрий кўринишда бўлиши мумкин;

суд ҳокимияти мустақиллиги ва инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа тегишли халқаро стандартларга мувофиқ БМТ доирасида суд органлари ҳисобдорлиги принципини аниқлаш ва қўллашни тартибга солувчи халқаро шартномани қабул қилиш зарурати асослантирилган;

одил судловнинг ахлоқий-этик жиҳатлари суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Судья, одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ касбий фаолиятида ва хизматдан ташқари вақтда намунали ҳаёт этик нормаларга риоя қилиши, намунали ҳаёт тарзига эга бўлиши керак. Айнан ушбу жиҳатлар одил судлов самарадорлигини белгиловчи муҳим омиллар ҳисобланиши асослантирилган;

суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро стандартлар ишнинг мустақил ва холис судлар томонидан адолатли кўриб чиқиши ҳуқуқини кўзда тутди. Уларга мувофиқ, ишнинг мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқишига бўлган ҳуқуқ мутлақ ҳисобланиб, ҳеч қандай истисноларсиз таъминланиши, одил судловга эришиш барча учун очиқ ва осон бўлиши ҳамда адолатли суд муҳокамасининг таъминланиши кафолатланган бўлиши кераклиги асослантирилган;

суд мустақиллигини таъминлашда судьялар корпусини шакллантириш фақатгина холис мезонлар: қобилияти, ахлоқий фазилатлари–катта иш ва ҳаётий тажрибага эга эканлиги инobatга олиниши асосида амалга оширилиши ва бу жараён ҳар қандай сиёсий таъсирдан холи, шаффоф ва очиқ бўлиши ҳамда бу борадаги қарор суд ҳокимиятининг мустақил кенгаши томонидан қабул қилиниши лозимлиги асослантирилган;

ҳалқаро стандартларга мувофиқ суд раисларининг ваколати вакиллик ва маъмурий функциялар билан чекланиши кераклиги, улар судьяларни танлаш ҳамда судьяларга нисбатан интизомий жавобгарлик ишлари муҳокамасида иштирок этмасликлари лозимлиги асослантирилган;

суд ҳокимияти ҳокимиятнинг бошқа тармоқларидан мустақил деб ҳисоблаш учун *суд ҳокимиятининг институционал мустақиллиги*: суд функциясини тўғридан-тўғри амалга оширишга оид маъмурий масалаларда

ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятлардан мустақиллиги; *молиявий таъминоти*: молиявий масалаларда ижро ҳокимиятидан мустақил ва ўз функцияларини самарали амалга ошириш учун етарли маблағга эга бўлиши; *судьялик лавозимини эгаллаш муддати*: судьяларнинг узок қафолатланган муддатга лавозимга тайинланмаслиги, асоссиз босим остида қолишига ва фаолиятига аралаштиришларга олиб келиши мумкинлиги асосланган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

халқаро стандартларга мувофиқ ҳамда демократик принциплар асосида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши аъзолари таркибининг шакллантирилишида судьялар корпуси иштирокини кучайтириш мақсадида Кенгашни судьялар корпуси томонидан сайланадиган аъзолардан шакллантириш бўйича қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раисининг танланишида ҳам судьялар корпусининг роли мавжуд эмаслиги сабабли Кенгаш раиси судьялар корпуси томонидан демократик принциплар асосида сайланган аъзолар ичидан сайланишининг мақсадга мувофиқлиги бўйича қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши аъзолари таркибини шакллантирилишида “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонунининг 5-моддасида кўрсатилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари Кенгаш таркибидан чиқариш лозимлиги тўғрисида таклиф берилган;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши аъзоларининг мустақиллигини таъминлаш мақсадида Кенгашда ўз фаолиятини доимий ва жамоатчилик асосида амалга оширувчи аъзоларининг қайта тайинланиши (тасдиқланиши)ни бекор қилиш бўйича қонунчиликка таклиф берилган;

Конституциявий суд судьясининг ваколат муддати — биринчи марта сайланганда беш йилни, иккинчи марта сайланганда ўн йилни, умумюрисдикция судлари судьяларини эса пенсия ёшига тўлгунга қадар тайинлаш ёки сайлаш бўйича қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклиф ишлаб чиқилган;

суд ҳокимиятини молиялаштиришни фақатгина республика бюджетининг маблағлари ҳисобидан амалга ошириш, ажратиладиган маблағларнинг миқдори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланишининг мақсадга мувофиқлиги бўйича қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Хулосалар, таклифлар ва тавсиялар тадқиқотчининг белгиланган тадқиқот вазифаларини ҳал қилишга йўналтирилган қарашлари ва таклифлари, ижтимоий сўровлар (103 нафар судья ўртасида ўтказилган сўровнома), статистик маълумотларни умумлаштириш асосида ишлаб чиқилган. Тадқиқот натижалари апробациядан ўтказилган, уларнинг натижалари нуфузли миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган, халқаро ва республика миқёсидаги конференция ҳамда давра суҳбатларида маъруза қилингани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижасида олинган илмий хулосалардан илмий-тадқиқот фаолиятида, шунингдек, “Халқаро оммавий ҳуқуқ”, “Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ”, “Инсон ҳуқуқлари”, “Одил судлов ҳуқуқи” каби ўқув курсларини илмий-назарий бойитишда, маърузаларни, мунозаралар ва амалий машғулотларни ўтказишда, ўқув ва услубий қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот натижасида шакллантирилган илмий қоидалар, хулосалар ва тавсиялар суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш ва одил судлов самарадорлигини оширишга хизмат қилишида, шунингдек қонун ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилишда фойдаланилиши билан ифодаланadi.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро-ҳуқуқий стандартларни имплементация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари қуйидагиларда фойдаланилган:

суд таъқибини амалга оширадиган шахсларнинг мустақил ва холис фаолият юритиши учун имкониятлар ва ҳуқуқий кафолатларни таъминлашга йўналтирилган таклифи БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашининг 2020 йил 14 июлдаги 44/L7-сонли “Суд ҳокимияти, халқ маслаҳатчилари, ассессорлар ҳамда адвокатларнинг мустақиллиги ва холислиги тўғрисида”ги Резолюциянинг 8-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикасининг Женева шаҳридаги БМТ бўлинмаси ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳузуридаги Доимий ваколатхонасининг 2020 йил 28 августдаги UZ/UN/20-218-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар суд таъқибини амалга оширувчи шахсларнинг мустақил ва холис фаолият юритиши учун ҳуқуқий кафолатларни таъминлашга хизмат қилган;

судьялар, суд таъқибини амалга оширадиган шахслар ва адвокатларга нисбатан ишнинг тарафларидан ҳар қандай сабабга кўра содир этиладиган куч ишлатиш, қўрқитиш ёки қасос олиш ҳаракатларини олдини олишга ҳамда ўз вазифаларини бажаришлари натижасида уларнинг, оила аъзоларининг ва ёрдамчиларининг давлат органлари ёки нодавлат субъектлар томонидан куч ишлатиш, қасос олиш, қўрқитиш, сиқувга олишнинг барча шаклларида дахлсизлигини таъминлаш, шунингдек бундай ҳаракатларни қоралаш ва айбдорларни жавобгарликка тортишга қаратилган таклифи БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашининг 2020 йил 14 июлдаги 44/L7-сонли “Суд ҳокимияти, халқ маслаҳатчилари, ассессорлар ҳамда адвокатларнинг мустақиллиги ва холислиги тўғрисида”ги Резолюциянинг 9-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикасининг Женева шаҳридаги БМТ бўлинмаси ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳузуридаги Доимий ваколатхонасининг 2020 йил 28 августдаги UZ/UN/20-218-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар судьялар, суд таъқибини амалга оширадиган шахслар ва адвокатлар дахлсизлигини таъминлаш ҳамда айбдорларни жавобгарликка тортишни таъминлашга хизмат қилган;

судьялар, адвокатлар, суд таъқибини амалган оширувчи барча шахслар учун инсон ҳуқуқлари бўйича махсус ва фанлараро тайёргарликни таъминлаш орқали одил судловни амалга оширишда камситилишга қарши курашиш бўйича, шу жумладан, ирқчиликка қарши, маданий, гендер, бола ҳуқуқларига оид чораларни қабул қилишга қаратилган таклифи БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашининг 2020 йил 14 июлдаги 44/L7-сонли “Суд ҳокимияти, халқ маслаҳатчилари, ассессорлар ҳамда адвокатларнинг мустақиллиги ва холислиги тўғрисида”ги Резолюциянинг 12-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикасининг Женева шаҳридаги БМТ бўлинмаси ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳузуридаги Доимий ваколатхонасининг 2020 йил 28 августдаги UZ/UN/20-218-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар судьялар, адвокатлар, суд таъқибини амалган оширувчи барча шахслар учун инсон ҳуқуқлари бўйича махсус ва фанлараро тайёргарликдан ўтишини таъминлашга хизмат қилган;

фавқулодда ҳолатларда, шу жумладан, COVID-19 пандемияси ва бошқа инқирозли ҳолатларда адолатли суд муҳокамасига ва бошқа асосий ҳуқуқ ва эркинликларга мувофиқ одил судловга самарали эришиш, шу жумладан, суд фаолиятининг белгиланган ҳуқуқий тартиботини ва узлуксизлигини таъминлаш, функционаллик, ҳисобдорлик, шаффофлик ва холисликни сақлаб қолиш учун суд органларини зарур ресурслар ва имкониятлар билан таъминлаш. Шу билан бирга, ишнинг мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи ҳеч қандай истисноларсиз таъминланиши лозимлиги тўғрисидаги таклифи БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашининг 2020 йил 14 июлдаги 44/L7-сонли “Суд ҳокимияти, халқ маслаҳатчилари, ассессорлар ҳамда адвокатларнинг мустақиллиги ва холислиги тўғрисида”ги Резолюциянинг 17-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикасининг Женева шаҳридаги БМТ бўлинмаси ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳузуридаги Доимий ваколатхонасининг 2020 йил 28 августдаги UZ/UN/20-218-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар фавқулодда ҳолатларда, шу жумладан, COVID-19 пандемияси даврида адолатли суд муҳокамасига ва бошқа асосий ҳуқуқ ва эркинликларга мувофиқ одил судловга самарали эришиш ва ишнинг мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи ҳеч қандай истисноларсиз таъминланишига хизмат қилган;

судларнинг мустақиллигини ва холислигини таъминлаш мақсадида судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ҳамда “Хабеас корпус” институтини янада такомиллаштириш йўли билан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда суд ҳокимиятининг ролини ошириш тўғрисидаги таклиф “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги ПФ-6012-сон Фармони билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси IV-Миллий стратегияни амалга оширишнинг асосий йўналишлари 1-банди тўртинчи хатбошисида фойдаланилган. (Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказининг 2020 йил 7

августдаги 01/684-сонли далолатномаси). Макзур таклиф Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясининг шахсий ва сиёсий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасидаги устувор йўналишларидан бири сифатида хизмат қилган;

судларда ишлар судьяларнинг иш ҳажми ва ихтисослашуви ҳисобга олинган ҳолда, судьялар ўртасида ишларни тақсимлашга суд муҳокамаси натижасидан манфаатдор бўлган шахсларнинг таъсир кўрсатиши истисно этиладиган тартибда, автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда тақсимланиши тўғрисидаги таклиф “Суд ишларини юритиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2020 йил 10 мартда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосан Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни 69<sup>1</sup>-модда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2020 йил 25 августдаги 06/1-05/2210-сонли далолатномаси). Ушбу таклиф судларда ишларни холис, суд раисларининг ишларни тақсимлашдаги ролини бекор қилган ҳолда ва суд муҳокамаси натижасидан манфаатдор бўлган шахсларнинг таъсир кўрсатиши истисно этиладиган тартибда, автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда тақсимланишига хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суд судьясининг ваколат муддати — биринчи марта сайланганда беш йилни, иккинчи марта сайланганда ўн йилни ташкил этади деган норма “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Қонуни лойиҳасининг 6-моддасида фойдаланилди. (Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 2020 йил 26 августдаги 02-09/846-сонли далолатномаси). Ушбу таклифлар судьяларнинг узоқ қафолатланган муддатга лавозимга тайинланиши ёки сайланиши, уларнинг асоссиз босим остида қолишига ва турли хил субъектлар, ижро ҳокимияти, суд тизими иерархияси ва тайинловчи орган томонидан уларнинг фаолиятига аралашишларидан холи бўлишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 5 та халқаро, 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш нашр этирилган, жумладан, миллий журналларда 19 та, халқаро журналларда 3 та, илмий анжуманларда 11 та, шунингдек, 1 та монография нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 266 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро-ҳуқуқий стандартларнинг юридик табиати”** номли биринчи бобида халқаро ҳуқуқ назариясида халқаро стандарт тушунчаси ва юмшоқ ҳуқуқ нормаларининг ўзига хос хусусияти, халқаро ва минтақавий ҳужжатларда ишнинг мустақил ва ҳолис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи тавсифи, суд ҳокимияти мустақиллигининг институционал жиҳатларига оид халқаро стандартларнинг Ўзбекистон қонунчилигида имплементация қилиниши масалалари очиб берилган.

Халқаро ҳуқуқ назариясидаги “халқаро стандарт”, “халқаро-ҳуқуқий стандарт” тушунчасига таъриф берган олимларнинг, хусусан, R.A.Müllerson, H.Schepel, А.С.Автономов, С.А.Горшкова, С.А.Голубок, А.Б.Степин, В.М.Шумилов ҳуқуқий қарашлари асосида халқаро стандарт тушунчаси ёритилган. Мазкур атама ҳам умумий конвенциявий қоидаларда, ҳам техник ҳужжатларда мустаҳкамлаб кўйилган одоб-ахлоққа оид қоидаларни англатиши, стандартлаштириш масалалари бўйича турли илмий ёндашувларнинг қиёсий таҳлили, ижтимоий муносабатларнинг турли соҳалардаги халқаро стандартларни таърифига нисбатан дифференциал муносабатни аниқлашга имкон берди. Мазкур омил халқаро ҳуқуқнинг турли соҳаларидаги халқаро стандартларнинг барча хилма-хил кўринишларини ўрганиш учун назарий асосни шакллантиради.

Шунингдек, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, миллий ва хорижий назарияни тадқиқ этган ҳолда, муаллиф “халқаро-ҳуқуқий стандарт” тушунчасига муаллифлик таърифини ишлаб чиққан. Унга кўра, халқаро-ҳуқуқий стандарт – халқаро ташкилотлар ёки давлатлар томонидан қабул қилинган принциплар, нормалар, қоидалар кўринишида ифодаланган минимал халқаро-ҳуқуқий нормалар ҳисобланади. Минимал халқаро-ҳуқуқий нормалар – халқаро-ҳуқуқий тизимнинг ёки унинг алоҳида соҳасининг мўътадил фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган халқаро ҳамжамият томонидан қабул қилинган энг кам ҳуқуқий талаблардир. Халқаро-ҳуқуқий стандартлар давлатларнинг у ёки бу халқаро шартномага қўшилган ёки қўшилмаганига қараб, мажбурий ёки ихтиёрий кўринишда бўлиши мумкин.

Халқаро муносабатларни тартибга солиш жараёни юридик маънода ҳуқуқий бўлмаган қоидалар орқали тартибга солишга қаратилган тенденция кучайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Халқаро амалиётда бундай қоидалар “юмшоқ ҳуқуқ” деб номланиб, мазкур турдаги халқаро ҳуқуқ нормаларининг икки тоифага: “юмшоқ ҳуқуқ” (soft law) ва “қаттиқ ҳуқуқ” (hard law)га ажратилиши, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари кўрсатиб берилган.

Диссертацияда “юмшоқ ҳуқуқ” тушунчаси тадқиқ этилиб, унинг икки тури фарқланади. Биринчи тури халқаро шартномаларда қўлланиладиган “умумий” нормалар ва принциплардир. Улар умумий шартномавий мажбуриятлар ҳисобланиб, маълум бир ҳуқуқий оқибатни келтириб чиқармайди. Иккинчи тури ўз ичига ҳуқуқий бўлмаган ҳужжатлар, халқаро ташкилотларнинг қарорлари, қўшма баёноتلар, коммюникелардаги нормаларни олиши ёритилган. Бундай “юмшоқ ҳуқуқ” нормаларининг халқаро ташкилотлар фаолиятидаги аҳамияти катта, чунки халқаро ташкилотлар бундай нормалар ёрдамида халқаро муносабатларни кўп жиҳатдан тартибга солади ва халқаро ҳуқуқнинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Бу каби нормалар маълум бир сабабга кўра халқаро ҳуқуқ нормалари ҳал қила олмайдиган вазифаларни бажаради. Кўпинча улар “қаттиқ ҳуқуқ” нормасига йўл очиб берадиган дастлабки, ҳуқуқий тартибга солишдан олдинги тартибга солишни таъминлайди, деб хулоса қилинади.

Диссертант франциялик олим П.Вейлнинг (P.Weil) “юмшоқ ҳуқуқ нормаларининг ривожланиши халқаро-ҳуқуқий тизимнинг мустаҳкамланишига ҳисса қўшмайди”<sup>7</sup> деб билдирган илмий қарашлари юзасидан илмий мунозарага киришиб, бу фикрга қўшилмаслигини, чунки юмшоқ ҳуқуқ нормалари амалиётда кенг фойдаланилаётганлиги сабабли, бундай нормаларнинг халқаро ҳуқуқ ривожланишидаги аҳамияти муҳимлигини эътироф этади. “Юмшоқ ҳуқуқ” нормалари халқаро ҳуқуқ тизимининг зарурий элементи бўлиб, “қаттиқ ҳуқуқ” билан ҳал қилиб бўлмайдиган муаммоларга ечим топишда кенг фойдаланилаётганлиги асосланган.

Бугунги глобаллашув жараёнида суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро-ҳуқуқий стандартлар универсал, минтақавий ва халқаро ноҳуқумат ташкилотлари доирасида қабул қилинган бўлиб, уларнинг айримлари мажбурий тусга эга бўлган халқаро стандартлар ҳисобланса, аксарияти тавсиявий аҳамият касб этиши кўрсатиб берилди. Жумладан, Ўзбекистон қўшилган “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пакт ва унинг назорат механизми мажбурий тусга эга бўлган халқаро стандарт ва механизмга мисол бўла олади.

Халқаро ва минтақавий ҳужжатларда ишнинг мустақил ва холис суд томонидан адолатли кўриб чиқилиши ҳуқуқига оид нормалар тадқиқ қилинган. Хусусан, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактнинг 14-моддаси 1-бандида “Барча шахслар судлар ва трибуналлар олдида тенгдир. Ҳар бир киши унга қўйилаётган ҳар қандай жиноий айблов

---

<sup>7</sup> Weil, P. Towards Relative Normativity in International Law? //American Journal of International Law. 1983. Vol. 77. N 3. P. 413—442.

кўриб чиқиладиганда ёки бирор-бир фуқаролик жараёнида унинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқланаётганида қонунга мувофиқ тузилган нуфузли, мустақил ва холис суд томонидан мазкур иш адолатли ҳамда очиқ ҳолда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга” деб қайд қилинган норма ҳеч қандай истисноларга йўл қўймайдиган императив норма ҳисобланиши ҳақида хулосага келган.

Тадқиқот ишида одил судловга бўлган ҳуқуқ инсон ҳуқуқлари билан бевосита боғлиқ бўлган умумэтироф этилган халқаро-ҳуқуқий норма ҳисобланиши (Л.Зайцева), бу ҳуқуқнинг илдизи ҳам табиий, ҳам ижобий ҳуқуққа бориб тақалиши, табиий ҳуқуқ “табиий одил судлов” концепцияси доирасида адолатли тартиботни ишлаб чиққани борасидаги ҳуқуқшунос олимларнинг (Peter W. Hogg, Bradley A.W., Ewing K.D.) илмий қарашлари ўрганилиб, демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири ҳам айнан суд ҳокимияти мустақиллиги ҳисобланиши, бунинг учун судьялар ҳар қандай ташқи аралашлардан холи бўлиши лозимлиги асослантирилган.

Илмий адабиётларда айрим тадқиқотчилар (Е.В.Бурдина, Д.А.Бурдин, Bacre Waly Ndiaye, Param Cumaraswamy) суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципи ҳокимиятлар тақсимланиши принциpidан келиб чиқиши, ушбу принципга мувофиқ, ижро, қонунчилик ва суд ҳокимиятлари бошқарувнинг учта алоҳида ва мустақил тармоғини ташкил этиши, бундай бўлиниш туфайли ҳокимият тармоқларининг биронтасига бошқа тармоқ ваколатларига аралашувига руҳсат берилмаслиги борасидаги илмий қарашларига қўшилган ҳолда, ҳокимиятлар тақсимланиши принципи мустақил ва холис суд ҳокимиятининг тамал тоши ҳисобланиши, суд ҳокимиятининг мустақиллиги унинг ишига ва қарорлари ижросига аралашмаслик орқали қўллаб-қувватланиши кераклиги, суд ҳокимиятининг институционал мустақилликка эга бўлиши, судьялар эса суд тизимининг ичида ва унинг бошқа институтларига нисбатан шахсий мустақилликдан фойдаланиши кераклиги ҳақида хулосага келинган.

Тадқиқот ишида БМТнинг “Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари” таҳлил қилиниб, суд ҳокимиятининг мустақиллиги деганда қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ҳам индивидуал, ҳам институционал мустақиллик тушунилиши, шунинг учун, суд ҳокимияти мустақиллиги бу ҳам менталитет, ҳам институционал, ҳамда функционал механизмлар йиғиндиси ҳисобланиши асослаб берилган. Биринчиси фактга нисбатан судьянинг мустақиллигини англатса, иккинчиси эса суд органлари ва бошқа субъектлар хусусан, ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари ўртасидаги муносабатларни аниқлашга нисбатан қўлланилиши, бу суднинг ҳам ҳақиқий мустақиллигини, ҳам уни жамият томонидан тушунилишини кафолатлайди. Агар суд ҳокимияти ҳокимиятнинг бошқа тармоқларидан институционал жиҳатдан мустақил бўлмаса, судьяни индивидуал жиҳатдан мустақил деб ҳисоблаш мантиқан нотўғрилиги тўғрисида фикр юритади.

Академик А.Х.Саидов “суд органларининг институционал мустақиллиги таъминланмаган ва белгиланган тартибда ҳимоя қилинмаган бўлса, осонгина

коррупциялашиши мумкин”<sup>8</sup> деб қайд қилади. Профессор М.Лачс (Lachs, M.) “судьяларнинг индивидуал мустақиллиги ўзига хос сиёсий тузумга эмас, балки судьяларнинг холислиги, шахсий сифатлари, характериға боғлиқ эканлигини”<sup>9</sup> эътироф этади. Муаллиф юқоридаги олимларнинг фикрларига қўшилган ҳолда, суд ҳокимияти мустақиллигининг институционал ва индивидуал жиҳатлари ўзаро бир-бириға боғлиқлиги, бири-иккинчисини тўлдирувчи омил ҳисобланишини асослайди.

Диссертациянинг **“Одил судловнинг ахлоқий-этик жиҳатларини тартибга солишға қаратилган халқаро стандартларнинг ҳуқуқий тавсифи”** номли иккинчи бобида одил судловнинг ахлоқий-этик жиҳатлари суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг муҳим шарти, судьяларнинг холислиги, ҳалоллиги ва поклиги суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг муҳим кафолати, судьяларнинг касбий фаолияти ва шахсий ҳаётида одоб-ахлоқ принципларига риоя қилиш суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг таркибий қисми сифатида очиб берилган.

Унда “Судьяларнинг одоб-ахлоқиға оид Бангалор принциплари” ҳамда Ўзбекистон “Судьялар одоб-ахлоқ кодекси”<sup>10</sup>даги одил судловнинг ахлоқий-этик принциплари қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ қилинган.

Диссертацияда судьяларнинг холислиги адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқнинг муҳим жиҳати ҳисобланиши, судьялар холис ва ўз қарорларини далилларға ҳамда қўлланиладиган қонунчиликка асослантириб, ҳеч қандай шахсий адоватларсиз ёки кўрилаётган ишға ва унда иштирок этаётган шахсларға нисбатан олдиндан шаклланган фикрларсиз ҳамда тарафларнинг манфаатларни кўзлаб ҳаракат қилмасликлари лозимлиги асослантирилган.

Шунингдек, ҳалоллик ва поклик сифатлари маънавият ва адолатлиликнинг мезонлари ҳисобланиши, ҳалоллик ва покликнинг таркибий элементлари бу судьяларнинг тўғрилиги ва ахлоқий принципларидан иборат бўлиши лозимлиги тўғрисидаги фикрларни илғари сурган.

Судья нафақат ўзининг мансаб мажбуриятларини ижро этишда, балки ҳамма вақт ўзининг судьялик лавозимиға муносиб равишда ўзини тутиши, ёлғон, алдов, фирибгарликдан холи бўлиши кераклиги ҳамда ўзининг хулқи ва характерида лойиқлик, тўғриликни шакллантириши ва кўрсатиши кераклиги, ҳалоллик ва покликнинг катта-кичиги йўқлиги ҳамда бу мутлақ категория ҳисобланиши кўрсатиб берилган.

Тадқиқот ишида судьянинг нафақат ҳалол бўлиши, балки уни худди шундай сифатдаги шахс деб тушуниш ҳам кераклиги ҳақида хулоса қилинган. Судьянинг мажбурияти нафақат адолатли ва холис қарор қабул қилишдан иборат, балки уни шундай тарзда қабул қилиши керакки, токи бундай қарорнинг адолатлилиги ва холислигиға ҳамда судьянинг ҳалоллиги

<sup>8</sup> А.Х.Саидов “Актуальные вопросы обеспечения независимости судебной власти”. Ўзбекистон Республикаси судьялар олий кенгаши “Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг долзарб масалалари” мавзусидаги 2019 йил 26 ноябрдаги халқаро конференция материаллари тўплами. Т.: -2020. -Б.18.

<sup>9</sup> Lachs M. A few thoughts on the independence of judges of the International Court of Justice. Columbia Journal of Transnational Law, 25(3), 1987. -P. 596.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Судьялар олий кенгашининг 2018 йил 29 январдаги СОКҚ-490-III-сон қарори билан тасдиқланган.

ва поклигига нисбатан ҳеч қандай шубҳа-гумонга ўрин қолмасин, деб хулосага келинган.

Тадқиқотда АҚШнинг айрим штатлари, Венгрия, Литва ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди қарорларидан ҳокимиятнинг ижро этувчи ва қонун чиқарувчи тармоқлари томонидан тегишли алоқалар ва таъсир ўтказишга доир баъзи мисоллар келтирилади ва уларда судьялар томонидан ёки суд этикаси бўйича маслаҳат қўмиталари томонидан қандай қарорлар қабул қилингани ўз аксини топган.

Диссертацияда судьяларнинг мустақиллиги, холислиги масаласини тадқиқ этган ҳуқуқшунос олимлар (P.H.Russell, D.M O'Brien, N.Stephen, D.Pimentel, S.Shetreet, C.Geyh, Д.М.Филин, А.В.Боровков, Ш.Аббосов, С.Солиев, Р.Тошбоев)нинг асарлари таҳлил қилиниб, суд ҳокимияти мустақиллиги ва холислиги тушунчалари самарали одил судловни амалга оширишнинг тамал тошлари ҳисобланиши, бу икки тушунча иккита алоҳида бир-бирига алоқадор бўлган ёйлар билан тасвирланиши эътироф этилади.

Диссертацияда судьяларнинг профессионал ва шахсий ҳаётида этик нормаларга риоя қилиши ва бундай риоя қилишни намоёиш этиши судья ҳаётининг муҳим элементлари ҳисобланиши, шу билан бирга, судья нима қилиши ёки нима қилмаслигида эмас, балки жамоатчиликнинг судья тўғрисидаги фикрлари муҳимлиги ҳақидаги қарашни илгари суради.

Ўзбекистонлик олимлар Б.И.Исмаилов, И.И.Насриевлар фикрига кўра, “судьянинг суд функциялари бошқа барча фаолиятидан устун туриши керак”<sup>11</sup>. Муаллиф юқоридаги фикрга қўшилган ҳолда, судьялар нафақат ишни кўриб чиқиш ва у бўйича қарор қабул қилиш билан маълум даражада шуғулланиши, балки маъмурий функцияларни ҳам бажаришини қайд қилади. Шу жараёнда суд функциясини бажариш ҳақиқатдан ҳам муҳимлигини эътироф этган ҳолда, суд бошқарувини амалга ошириш ҳам одил судлов самарадорлигини таъминловчи муҳим омил эканлиги асослантирилган.

Шунингдек, судья одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ касбий фаолиятида ва хизматдан ташқари вақтда намунали ҳаёт тарзига эга бўлиши кераклиги, жамоатчилик кўз ўнгида судьялик мансабига мос тарзда хушмуомалали ва ўз-ўзини назорат қилган ҳолда тутиши лозим, чунки судьядаги номуносиб темперамент одил судлов нуфузига путур етказди ҳамда судьянинг юқори даражадаги мансаб мавқъеига мос келмаслиги асослантирилган.

Тадқиқотда судья қонунни талқин қилиш ва қўллашга доир ҳуқуқ масаласида юқори нуфуз ва малакага эга бўлиши кераклиги, шу билан бирга, судья ўзини шундай тутиши ва ҳаракат қилиши керакки, токи суд процессидаги тарафлар унинг холислилигига ишониши лозимлиги ҳақида хулоса қилинади.

Диссертациянинг **“Судьялар интизомий жавобгарлигига оид халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар тажрибаси”** номли учинчи бобида

---

<sup>11</sup> Исмаилов Б.И., Насриев И.И. Международные стандарты в сфере справедливого правосудия и их реализация в Республике Узбекистан: учебник. –Т.2020. –С.225.

судьяларга нисбатан интизомий иш юрителишга доир халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар тажрибасининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили, судьяларнинг интизомий жавобгарлигига оид халқаро стандартларни Ўзбекистон миллий қонунчилигига имплементация қилиш истиқболлари ўрганилган.

Судьяларга нисбатан интизомий иш юрителишга доир ЕХХТ доирасидаги 1990 йилги Копенгаген ва 1991 йилги Москва ҳужжатлари, Киев тавсиялари ва “Судьялар мақоми тўғрисида”ги Европа хартияси ҳамда хорижий давлатлар тажрибаси тадқиқ қилинган.

Диссертацияда халқаро ҳужжатлар ва хорижий давлатлар қонунчилигида судьяларга нисбатан интизомий ишни кўриб чиқиш бир қатор ҳуқуқбузарликлар ва уларга тегишинча жазо чораларини қўллаш назарда тутилгани ҳамда уларнинг бажарадиган иш тартиби мустақил орган ёки суд томонидан амалга оширилиши, бунда одил судлов муҳокамасига оид асосий принципларга риоя қилиниши шартлиги ҳамда шикоят қилиш ҳуқуқи билан таъминлаши лозимлиги ҳақидаги фикрларни илгари сурган.

Тадқиқот ишида хорижий давлатлар тажрибасида судьяларнинг интизомий жавобгарлик ишлари билан шуғулланувчи бир-биридан фарқ қиладиган учта асосий тизим мавжудлиги кўрсатиб берилган: биринчи тизим, миллий суд кенгаши (махсус қўмита ёки унинг қошидаги махсус орган) (Албания, Болгария, Хорватия, Франция, Грузия, Италия, Украина ва Испания); иккинчи тизим, интизомий жавобгарлик масалалари бўйича қарорлар миллий суд кенгаши таркибига кирмайдиган мустақил коллегиялар (Литва, Норвегия, Англия ва Уэльс, Шимолий Ирландия, Шотландия); учинчи тизим, интизомий жавобгарлик масалалари бўйича қарорлар судлар томонидан қабул қилинади (Австрия, Германия, Болгария, Хорватия, Франция, Грузия).

Диссертацияда халқаро стандартларга мувофиқ, интизомий жавобгарлик масаласи доирасида ишларни саралаш вазифаси ёки шикоятни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш айна бир орган ёки айна бир шахслар томонидан бажарилиши ман этилиши борасида хулосага келинган.

Шунингдек, интизомий жавобгарлик ишлари шундай ҳолатларда кўзғатилиши мумкинки, унда миллий қонунчиликда ифодаланган ҳуқуқбузарликларга мувофиқ равишда ҳуқуқбузарлик хатти-ҳаракатини содир қилганликда судья айбланади ёки шубҳа остига олинади, одатда, бундай ишни кўзғатиш фақат жиддий оқибатларга олиб келган диёнатсизликка йўл қўйилган хатти-ҳаракат учун амалга оширилади. Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодексига назарда тутилган етарлича умумий мақсад ва қоидаларни эътиборга олиб, бундай кодексларнинг қоидаларини бузиш интизомий жавобгарлик ишини кўзғаш учун асос бўлмаслиги кераклиги асослаб берилган.

Тадқиқот ишида судьялар ишни кўриш бўйича қонунни шарҳлаш, фактларни ёки далилларни баҳолаш учун жиноий ёки интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги, қасддан ёки жиддий оқибатларга олиб келган диёнатсизликка йўл қўйилган эҳтиётсизлик ҳолатлари бундан мустасно эканлиги бўйича хулосалар қилинган. Бундан

ташқари, судьяларнинг апелляцияда бекор қилинган ёки ўзгартирилган қарорлари учун шахсий жавобгарликка тортиш мумкин эмаслиги борасида таклифлар берилган.

Диссертацияда қандай қилмишлар маълум бир жазо чораларини қўллашга олиб келишини аниқ кўрсатиш борасида, жазонинг кенг қамровини, яъни энг оддийсидан то жиддий оқибатга эга бўлган жазо турларини назарда тутиши кераклиги, бундай жазо турлари ҳуқуқбузарликнинг жиддийлик даражасига мутаносиб бўлиши шартлиги тўғрисида хулоса қилинган.

Судьяларнинг интизомий жавобгарлигига оид халқаро стандартларни Ўзбекистон миллий қонунчилигига имплементация қилиш билан боғлиқ масала тадқиқ этилиб, унда судьяларнинг интизомий жавобгарлигига оид халқаро стандартлар (ЕХХТ Киев тавсиялари, Европа Кенгаши вазирлар кўмитасининг тавсиялари) ва хорижий давлатлар қонунчилиги (Арманистон, Россия Федерацияси, Беларусь, Грузия, Литва Қозоғистон, Украина, Молдова) таҳлил қилинган.

Тадқиқот ишида халқаро стандартларга мувофиқ суд раисларининг ваколати вакиллик ва маъмурий функциялар билан чекланиши кераклиги, улар судьяларни танлаш ҳамда судьяларга нисбатан интизомий жавобгарлик ишлари муҳокамасида иштирок этмасликлари лозимлиги бўйича таклифлар асослантирилган.

Шунингдек, халқаро стандартларга мувофиқ, судьялар фақатгина қонундан белгиланган ножўя хатти-ҳаракат учун адолатли ҳамда тегишли тартибга кўра суд ёки бошқа мустақил орган томонидан интизомий жавобгарликка тортилиши, судьяларга нисбатан интизомий ишларни олиб бориш қонун асосида тартибга солиниши лозимлиги, бундай жараёни олиб бориш бўйича масъулият эса асосан судьялардан таркиб топган мустақил орган, масалан судьялар кенгаши ёки суд зиммасига юкланиши лозимлиги бўйича хулоса асослантирилган.

Тадқиқотда судьянинг ўзига нисбатан интизомий ишни кўриб чиқиш жараёнида иштирок этиш ва ўз вакилига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш лозимлиги, Судьялар олий малака ҳайъатининг қарори билан интизомий жавобгарликка тортилган судьянинг бу қарор устидан Кенгашга шикоят қилиш ҳуқуқини таъминлаш лозимлиги бўйича таклифлар берилган.

Диссертациянинг **“Судьялар корпусини шакллантириш ва суд ҳокимияти ҳисобдорлигига оид халқаро стандартлар таҳлили”** номли тўртинчи бобида судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлаш ва тайинлашга оид халқаро стандартлар ва Ўзбекистон қонунчилигининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили, судьяларнинг лавозимда кўтарилиши ва судьяларни бир суддан бошқасига ўтказишга оид халқаро стандартларнинг мустақил судьялар корпусини шакллантиришдаги аҳамияти, суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва ҳисобдорлиги ўртасидаги муносиб мувозанатни таъминлаш одил судловни самарали амалга оширишнинг гарови эканлиги каби масалалар очиқ берилган.

Диссертацияда судьялар корпусини шакллантиришнинг иккита асосий тури: сайлов тизими ва тайинлаш тизими ажратиб кўрсатилади. Сайлов тизими тўғридан-тўғри аҳоли ёки парламент томонидан ўтказиладиган сайловларни ўз ичига олиши, сайлов тизимидан фойдаланишнинг ижобий жиҳатлари сайланган судьяларга кўпроқ қонунийликни таъминлаш ва жамиятнинг уларга ишончи ортишига амалий таъсир қилиши қайд қилинган. Бироқ, сайлов тизими судьялар иштирокидаги сиёсий кампанияларга ва сайлов жараёнини сиёсийлаштиришга олиб келиши мумкинлиги танқид қилинади. Тайинлаш асосида суд тизимини шакллантириш турида президент, парламент ёки ҳукумат бу масалада марказий ўринни эгаллаши қайд қилинган (Италия, Португалия, Хорватия, Македония, Венгрия, Туркия). Судьяларни тайинлаш жараёнини сиёсий таъсирлардан ҳимоя қилиш мақсадида суд ҳамжамияти томонидан тайинлаш моделидан кенг фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган.

Мустақил судьялар корпусини шакллантириш бўйича Ш.Абдуқодиров, Ж.Абдурахмонхўжаев каби олимларнинг тадқиқотларини таҳлил қилган ҳолда, қуйидаги хулосаларга келинган: биринчидан, судьяларнинг тайинланиши, танланиши, лавозимда кўтарилиши, бошқа судга ўтказилиши жараёни ҳар қандай сиёсий таъсирдан холи бўлиши керак; иккинчидан, судьяларнинг тайинланиши, танланиши, лавозими кўтарилиши, бошқа судга ўтказилиши фақатгина холис мезонлар: қобилияти, ахлоқий фазилатлари катта иш ва ҳаётий тажрибага эга эканлиги инобатга олинishi асосида амалга оширилиши лозим; учинчидан, судьяларнинг лавозимда кўтарилиши тўғрисидаги қарор суд органининг мустақил кенгаши томонидан қабул қилиниши лозим; тўртинчидан, судьяларнинг тайинланиши ёки лавозими кўтарилиши Конституция ва қонунчиликка мувофиқ давлат раҳбарининг ваколати доирасида амалга оширилса, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш заруратидан келиб чиққан ҳолда мустақил судьялар кенгаши тавсиялари асосида давлат раҳбари томонидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ; бешинчидан, лавозимларни тақсимлаш ва бошқа судга ўтказиш судьяларга нисбатан жазо чораси сифатида қўлланилмаслиги керак; олтинчидан, барча фуқаролар каби судьялар ҳам чиқарилган қарорлардан қаноатланмаган тақдирда шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлишлари керак; еттинчидан, судьяларни танлаш, тайинлаш ва лавозимга ўтказиш жараёнлари шаффоф ва очик бўлиши лозим.

Диссертацияда БМТнинг “Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари”, “Одил судлов мустақиллиги тўғрисидаги умумжаҳон декларацияси” (Сингви декларацияси), Европа Кенгаши Вазирлар кўмитасининг (2010 й.) 12-сонли Тавсияси, “Судьяларнинг мақоми тўғрисида”ги Европа Хартияси каби халқаро стандартларда судьяларнинг лавозимда кўтарилиши, бошқа судга ўтказилиши ва уларни ротация қилиш масалалари тадқиқ қилиниб, бу жараён ҳар қандай сиёсий таъсирдан холи бўлиши кераклиги, судьялар корпусини шакллантириш жараёнида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ролини минималлаштириш борасида фикрлар илгари сурилган.

Судьяларнинг лавозимда кўтарилиши тўғрисидаги қарор суд органининг мустақил кенгаши томонидан қабул қилиниши лозимлигини, бу масаласидаги қарор ижро этувчи ёки қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан эмас, айнан мустақил бўлган суд органининг кенгаши томонидан амалга оширилиши лозимлиги асослантирилган.

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва ҳисобдорлиги ўртасидаги муносиб мувозанатни таъминлаш одил судловни самарали амалга ошириш гарови эканлиги, уларнинг ўзаро бир-бири билан боғлиқлиги тадқиқ қилиниб, суд органларининг ҳисобдорлиги одил судлов иштирокчиларининг нотўғри хатти-ҳаракатлари, нолайиқ ёки ахлоқсиз хатти-ҳаракатларининг олдини олиш учун кераклиги ва бу ҳолат суд ҳокимияти мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқлиги асослантирилган. Суд ҳокимияти мустақиллигининг мутлақ эмаслиги, балки суд органларининг ҳисобдорлиги билан чегараланганлиги, бу ўз навбатида суд ҳокимияти мустақиллиги ва ҳокимиятлар ваколатлари тақсимланишининг асосий принципларига мос келиши кераклиги, шу билан бирга, унинг тартиб-таомиллари халқаро одил судлов стандартларига мувофиқ бўлиши кераклиги бўйича хулоса қилинган.

Шунингдек, суд органларининг ҳисобдорлигини жорий қилиш жараёни ханузгача ҳисобдорликни ўч олиш, корпоративизм ёки одил судлов иштирокчиларига ташқи ва ички босим ўтказиш сифатида фойдаланиш ва бу қийинчиликларни енгиб ўтишда давлатларга ёрдам берадиган халқаро стандартларнинг мавжуд эмаслиги, давлатлар самарали, холис, шаффоф ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуққа мос келадиган, суд ҳокимияти учун ички ҳисобдорлик тизимини яратишга асос яратиш мақсадида суд ҳокимиятининг ҳисобдорлиги бўйича БМТ доирасида халқаро стандартларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни таклиф қилади.

БМТ доирасида суд органларининг ҳисобдорлиги масаласида аниқ ва махсус ҳал қиладиган халқаро шартноманинг йўқлиги асосланган ва БМТ доирасида суд ҳокимияти мустақиллиги ва инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа тегишли халқаро стандартларга мувофиқ суд ҳокимияти ҳисобдорлиги бўйича халқаро ҳужжатни қабул қилиш таклифи берилган.

Диссертацияда бир қатор хорижий олимларнинг (S.Shetreet, M.Gleeson, E.Handsley, J.J.Spigelman, C.Geyh, D.Drummond, L.Seidman, T.Riddel, L.Hausegger, M.Hennigar) суд ҳокимияти ҳисобдорлиги борасидаги илмий фикр-мулоҳазалари таҳлил қилиниб, суд ҳокимияти ўз функцияларини бажариши жараёнида баъзи ўзбошимчалик ҳолатларига учраши ҳамда ваколатини суиистеъмол қилинишининг олдини олишга зарурат мавжудлиги сабабли суд ҳокимиятининг жамоатчиликка ҳисобот бериши мақсадга мувофиқ, деб хулоса қилинган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро-ҳуқуқий стандартларни имплементация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари”** номли бешинчи бобида Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш борасида олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг суд ҳокимияти

мустақиллигини таъминлашдаги ролини кучайтиришнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари, Ўзбекистонда коронавирус пандемияси даврида одил судловга эришишга оид халқаро стандартларни қўллашнинг ташкилий-ҳуқуқий муаммолари тадқиқ қилинган.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамланган ҳокимиятлар тақсимланиши принципнинг ҳуқуқий асосларини, яъни Конституциянинг 11, 106, 111-моддаларини мазмунан таҳлил қилинган.

Тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашдаги ролини кучайтириш билан боғлиқ халқаро стандартлар (ЕХХТ Киев тавсиялари, Судьялар мақоми тўғрисидаги Европа хартияси) ва хорижий давлатлар (Молдова, Словения, Словакия, Литва, Украина, Болгария, Испания, Венгрия, Греция) қонунчилиги тадқиқ қилинган.

Юридик адабиётларда (Bell John, John Owen Haley) суд кенгаши концепцияси XIX аср охирида Францияда қўлланила бошлагани ва суд ҳокимияти мустақиллигини ҳимоя қилиш учун мўлжаллангани қайд этилган. Биринчи замонавий суд кенгаши 1946 йилда Францияда (Conseil Supérieur de la Magistrature) таъсис этилган. Кейинчалик 1948 йилда Италияда (Consiglio Superiore della Magistratura) тузилгани, лекин бу муассаса 1958 йилда ўз фаолиятини бошлагани, бугунги кунда Европа суд кенгашлари тармоғига 22 мамлакат Кенгашлари кириши диссертацияда қайд қилинган.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши аъзолари таркибининг шакллантирилишида судьялар корпуси иштирокини кучайтириш масаласида халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар тажрибасига асосланиб, Судьялар олий кенгаши таркиби судьялар корпуси томонидан демократик принциплар асосида сайланадиган аъзолардан шакллантирилиши лозимлиги бўйича таклиф асослантирилган.

Профессор М.М.Мамасиддиқовнинг “Судьялар олий кенгашининг ҳеч бўлмаганда ярми сайланган судьялардан иборат бўлиши, шунингдек, корпоративчиликдан қочиш ва мувозанатни сақлаб туриш мақсадида судьялар кенгашининг бошқа аъзолари парламент томонидан сайланиши, улар адвокатлар, ҳуқуқшунос олимлар, фуқаролик жамиятининг вакилларидан иборат таркиб бўлиши”<sup>12</sup> борасидаги қарашлари билан илмий мунозарага киришиб, жамоатчилик асосидаги аъзоларнинг парламент томонидан сайланиши сиёсийлаштиришга олиб келиши мумкинлигини, сиёсий таъсирлардан ҳимоя қилиш мақсадида суд ҳамжамияти томонидан сайланишининг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган.

Худди шундай, Судьялар олий кенгаши раиси судьялар корпуси томонидан демократик принциплар асосида сайланган аъзолар ичидан сайланиши мақсадга мувофиқлиги асослантирилган.

---

<sup>12</sup> Мамасиддиқов М.М. Ҳаракатлар стратегияси: қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда суд-ҳуқуқ ислохотларини такомиллаштиришдаги туб бурилиш // Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизими янада ислох қилишнинг устувор йўналишлари (мақолалар тўплами) / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.М.Мамасиддиқов. Т.: “Ноширлик ёғдуси” -2017. -Б.8.

Тадқиқотда “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонунининг 5-моддасида кўрсатилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари кенгаш таркибидан чиқариб ташлаш лозимлиги, халқаро стандартларга мувофиқ бу каби кенгашлар таркибида ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимият вакиллари, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари кенгаши бўлиши мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса қилинган.

Худди шундай, жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадиган мутахассисларни танлаб олишга қўйиладиган мезонларнинг аниқ белгиланмаганлиги, етарлича кўникма ва малакага эга бўлмаган мутахассисларнинг Кенгаш аъзоси бўлишига олиб келиши мумкинлиги тўғрисидаги фикрларни илгари сурилган.

Тадқиқотда судьяларни янги муддатга тайинлаш тизимини қайта кўриб чиқиб, уларни пенсия ёшига қадар тайинлашнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган. Судьяларнинг узоқ кафолатланган муддатга лавозимга тайинланмаслиги уларнинг асоссиз босим остида қолишига ва турли хил субъектлар – ижро ҳокимияти, суд тизими иерархияси ва тайинловчи орган томонидан уларнинг фаолиятига аралаштирилари олиб келиши мумкинлиги борасида хулоса қилинган.

Тадқиқот ишида фавқулодда ҳолатларда, шу жумладан, COVID-19 пандемияси ва бошқа инқирозли ҳолатларда адолатли суд муҳокамасига ва бошқа асосий ҳуқуқ ва эркинликларга мувофиқ одил судловга самарали эришиш бўйича таклиф асослантирилган.

## ХУЛОСА

Суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро-ҳуқуқий стандартларни имплементация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини тадқиқ қилиш натижасида қуйидаги илмий-назарий хулосалар, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

### *Илмий-назарий хулосалар:*

1. Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, миллий ва хорижий назарияни тадқиқ этган ҳолда, “халқаро-ҳуқуқий стандарт” тушунчасига қуйидаги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди: халқаро-ҳуқуқий стандарт – халқаро ташкилотлар ёки давлатлар томонидан қабул қилинган принциплар, ҳуқ-атвор қоидалари кўринишида ифодаланган минимал халқаро-ҳуқуқий нормалар ҳисобланади. Минимал халқаро-ҳуқуқий нормалар – халқаро-ҳуқуқий тизимнинг ёки унинг алоҳида соҳасининг мўътадил фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган халқаро ҳамжамият томонидан қабул қилинган энг кам ҳуқуқий талаблардир. Халқаро-ҳуқуқий стандартлар давлатларнинг у ёки бу халқаро шартномага қўшилган ёки қўшилмаганига қараб, мажбурий ёки ихтиёрий кўринишда бўлиши мумкин.

2. Суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро стандартлар ишнинг мустақил ва холис судлар томонидан адолатли кўриб чиқилиши ҳуқуқини кўзда тутди. Уларга мувофиқ, ишнинг мустақил ва холис суд томонидан

кўриб чиқилишига бўлган ҳуқуқ мутлақ ҳисобланиб, ҳеч қандай истисноларсиз таъминланиши лозим. Одил судловга эришиш барча учун очиқ ва осон бўлиши ҳамда адолатли суд муҳокамасининг таъминланиши кафолатланган бўлиши керак.

3. Фавқулодда ҳолатларда, шу жумладан, COVID-19 пандемияси ва бошқа инқирозли ҳолатларда адолатли суд муҳокамасига ва бошқа асосий ҳуқуқ ва эркинликларга мувофиқ одил судловга самарали эришиш, шу жумладан, суд фаолиятининг белгиланган ҳуқуқий тартиботини ва узлуксизлигини таъминлаш, функционаллик, ҳисобдорлик, шаффофлик ва холисликни сақлаб қолиш учун суд органларини зарур ресурслар ва имкониятлар билан таъминлаш, шу билан бирга, ишнинг мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи ҳеч қандай истисноларсиз таъминланиши лозимлиги халқаро-ҳуқуқий стандартларда белгиланган.

4. Суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро ва минтақавий стандартлар таҳлилига кўра, суд ҳокимиятини ҳокимиятнинг бошқа тармоқларидан мустақил деб ҳисоблаш учун қуйидаги ҳолатлар эътиборга олинади:

**биринчидан**, судьяликка тайинлаш усуллари, судьялик лавозимида бўлиш муддати, иш шароитлари, ташқи босимдан ҳимоя кафолатларининг мавжудлиги;

**иккинчидан**, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг энг кам учта шарти қуйидагилардан иборат:

судьялик лавозимини эгаллаш муддати: судьянинг лавозимда бўлиш муддати (умрбод, нафақа ёшигача ёки қатъий белгиланган муддат) бу судьянинг фаолиятига ижро ҳокимияти ёки уни тайинлаган бошқа орган томонидан ўзбошимчалик билан аралашидан кафолатлаш ҳисобланади;

молиявий таъминоти: суд ҳокимияти молиявий масалаларда мустақил бўлиши ва ўз функцияларини самарали амалга ошириш учун етарли маблағга эга бўлиши лозим. Бу масала ижро ҳокимияти томонидан ўзбошимчалик билан аралашиб объектига айланиб қолиши мумкин эмас, чунки бу судьянинг мустақиллигида ўз аксини топадиган ҳолат ҳисобланиб, унинг иш ҳақи ва пенсия таъминотига бўлган ҳуқуқини кафолатлашни таъминлайди;

институционал мустақиллик: суд функциясини тўғридан-тўғри амалга оширишга оид маъмурий масалаларда ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятлардан мустақилликни аниқлатади.

5. Одил судловнинг ахлоқий-этик жиҳатлари суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Судья одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ касбий фаолиятида ва хизматдан ташқари вақтда намунали ҳаёт этик нормаларга риоя қилиши, намунали ҳаёт тарзига эга бўлиши керак. Жамоатчилик кўз ўнгида судьялик мансабига мос тарзда хушмуомалали ва ўзини-ўзи назорат қилган ҳолда тутиши керак, чунки судьядаги номуносиб хулқ-атвор одил судлов жараёни аҳамиятига путур етказди ҳамда судьянинг юқори даражадаги мансаб мавқеига мос келмайди.

6. Халқаро стандартларда белгиланган ҳалоллик ва покликнинг таркибий элементлари бу судьяларнинг тўғрилиги ва ахлоқий принципларидир. Судья нафақат ўзининг мансаб мажбуриятларини ижро этишда, балки ҳамма вақт ўзининг судьялик лавозимига мос равишда ўзини лойиқ тутиши, ёлғон, алдов, фирибгарликдан холи бўлиши ҳамда ўзининг хулқи ва характерида лойиқлик, тўғрилиқни шакллантириши ва кўрсатиши керак. Ҳалоллик ва покликнинг катта-кичиги йўқ ва бу мутлақ категория ҳисобланади.

7. Халқаро-ҳуқуқий стандартлар ва хорижий давлатлар қонунчилигида судьяларга нисбатан интизомий ишни кўриб чиқиш бир қатор ҳуқуқбузарликлар ва уларга тегишинча жазо чораларини қўллаш назарда тутилган бўлиб, уларнинг тартиботи мустақил орган ёки суд томонидан амалга оширилиши, бунда одил судлов муҳокамасига оид асосий принципларга риоя қилиниши ҳамда судьянинг ўзига нисбатан интизомий ишни кўриб чиқиш жараёнида иштирок этиши, шикоят қилиши ва ўз вакилига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш кераклиги қайд қилинган.

8. Интизомий жазони қўллаш аниқланган ҳуқуқбузарликка тенг бўлган мутаносиблик принципига мувофиқ амалга оширилиши шарт, яъни судьянинг қандай турдаги ҳуқуқбузарликлари учун қайси интизомий жазо қўлланилиши мумкинлигини аниқ белгилаш лозим. Фақат энг жиддий ҳолатларда судьяни ўз вазифасидан четлатиш мумкин, интизомий жазо қўллаш тўғрисида хулоса қабул қилишда судьялар томонидан йўл қўйилган эҳтиётсизлик учун ҳар қандай ҳолатда ҳам жазо қўлланилмаслиги шарт.

9. Судьялар ишни кўриш бўйича қонунни шарҳлаш, фактларни ёки далилларни баҳолаш учун жиноий ёки интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас, қасддан ёки қўпол эҳтиётсизлик ҳолатлари бундан мустасно. Бундан ташқари, судьяларни апелляцияда бекор қилинган ёки ўзгартирилган қарорлари учун шахсий жавобгарликка тортиш ман қилинади.

10. Хорижий давлатлар тажрибасида суд органлари ёки суд ҳокимияти вакиллари интизомий жавобгарлик ишлари билан шуғулланувчи бир-биридан фарқ қиладиган учта асосий тизим мавжуд:

биринчи тизим, миллий суд кенгаши (махсус қўмита ёки унинг қошидаги махсус орган) интизомий жавобгарлик ишларини қўзғатиш бўйича асосий масъул орган ҳисобланади, аммо унинг қарори устидан махсус интизомий жавобгарликка тортувчи коллегия ёки суд органларига шикоят билан мурожаат қилиш мумкин;

иккинчи тизим, интизомий жавобгарлик масалалари бўйича қарорлар миллий суд кенгаши таркибига кирмайдиган мустақил коллегиялар ёки қўмита томонидан қабул қилинади ёки юқори мансабдор шахсларга нисбатан интизомий ҳуқуқбузарлик ҳаракатларини содир этганлик учун шундай мустақил органларнинг тавсиялари асосида давлат бошлиғи ёки қонун чиқарувчи орган томонидан импичмент эълон қилинади, ёки суд ҳокимиятининг бошлиғи – суд раисини жалб қилиш орқали амалга оширилади;

учинчи тизим, интизомий жавобгарлик масалалари бўйича қарорлар судлар томонидан, жумладан, судлар ҳузуридаги интизомий жавобгарлик бўйича коллегиялар ёки махсус интизомий жавобгарлик ишлари бўйича судлар томонидан қабул қилинади.

11. Халқаро стандартларга мувофиқ суд раисларининг ваколати вакиллик ва маъмурий функциялар билан чекланиши керак. Улар судьяларни танлаш ҳамда судьяларга нисбатан интизомий жавобгарлик ишлари муҳокамасида иштирок этмасликлари лозим.

12. Халқаро стандартларга мувофиқ, судьялар фақатгина қонунда белгиланган ножўя хатти-ҳаракат учун адолатли ҳамда тегишли тартибга кўра суд ёки бошқа мустақил орган томонидан интизомий жавобгарликка тортилиши назарда тутилган. Судьяларга нисбатан интизомий ишларни олиб бориш қонун асосида тартибга солиниши, бундай жараёни олиб бориш бўйича масъулият эса асосан судьялардан таркиб топган мустақил орган, масалан судьялар кенгаши ёки суд зиммасига юкланиши лозим.

13. Суд мустақиллигини таъминлашда судьялар корпусини шакллантириш муҳим аҳамият касб этишини эътироф этган ҳолда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

судьяларнинг тайинланиши, танланиши, лавозимда кўтарилиши, бошқа судга ўтказилиши фақатгина холис мезонлар: қобилият, ахлоқий фазилат ва тажриба асосида амалга оширилиши ва бу жараён ҳар қандай сиёсий таъсирдан холи, шаффоф ва очиқ бўлиши ҳамда бу борадаги қарор суд ҳокимиятининг мустақил кенгаши томонидан қабул қилиниши лозим. Лавозимларни тақсимлаш ва бошқа судга ўтказиш судьяларга нисбатан жазо чораси сифатида қўлланилмаслиги керак;

судьяларни тайинланиши ёки лавозимга кўтарилиши Конституция ва қонунчиликка мувофиқ давлат раҳбарининг ваколати доирасида амалга оширилса, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш заруратидан келиб чиққан ҳолда мустақил судьялар кенгаши тавсиялари асосида давлат раҳбари томонидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

14. Суд органларининг ҳисобдорлигини жорий қилиш жараёни ҳалигача ҳисобдорликни ўч олиш, корпоративизм ёки одил судлов иштирокчиларига ташқи ва ички босим ўтказиш сифатида фойдаланиш ва бу қийинчиликларни енгиб ўтишда давлатлар асосланадиган халқаро стандартлар мавжуд эмаслиги жиддий камчилик ҳисобланади. Ушбу камчиликни бартараф этиш мақсадида суд ҳокимияти мустақиллиги ва инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа тегишли халқаро стандартларга мувофиқ БМТ доирасида суд органлари ҳисобдорлиги принципини аниқлаш ва қўллашни тартибга солувчи халқаро шартноманинг қабул қилиниши таклиф этилади.

15. Ушбу шартномада суд органлари ҳисобдорлигига оид қуйидаги масалалар тартибга солиниши лозим: одил судлов иштирокчилари ва суд органлари ўзбошимчалик билан жавобгарликка тортилмасликлари ҳамда ҳисобдорлик назорати бўйича ваколатлар қандай амалга оширилишини аниқлаш; суд тизимининг ҳисобдорлиги мустақил орган орқали амалга оширилиши, ушбу орган суд ҳокимияти мустақиллигини ҳимоя қилиши ва

суд тизими ҳисобдорлигини рағбатлантириши; ҳисобдор бўлган шахс билан у ҳисоб берадиган форум, орган ёки муассаса ўртасидаги муносабатларни аниқ белгилаш; одил судлов иштирокчилари учун барча мартаба даражаларида индивидуал ҳисобдорлик белгиланиши; одил судлов тизимининг шаффофлиги, хусусан, давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари, фуқаролик жамияти, оммавий ахборот воситалари, ички ишлар, прокуратура ва инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиялар билан боғлиқ механизмларни ҳам қамраб олиши лозим.

16. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонунида белгиланган Кенгаш аъзосининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш ҳамда судьяликка номзодларни захирадан чиқариш учун асос бўлувчи касалликлар ва жисмоний нуқсонларнинг рўйхатини қонунда аниқ кўрсатиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

17. “Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида”ги низомнинг 55-моддасида белгиланган интизомий жазо тизимини огоҳлантириш, малака даражасини олти ойгача бўлган муддатга пасайтириш, судьянинг ваколатини муайян муддатга тўхтатиш ёки муддатидан илгари тугатиш жазолари билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

*Ташкилий-ҳуқуқий ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар ва тавсиялар:*

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонунига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозим:

#### **5-модда. Кенгашнинг таркиби ва уни шакллантириш тартиби**

Кенгаш раис, раис ўринбосари, унинг аъзолари ва котибидан — жами йигирма бир нафар кишидан иборат таркибда судьялар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислар орасидан шакллантирилади.

Кенгашнинг ўн бир нафар аъзоси Олий суд судьяларининг умумий мажлиси ва тегишли судьялар конференцияси судьялари томонидан ёпиқ овоз бериш йўли билан сайланади. Сайловда қатнашган судьяларнинг энг кўп овозини олган судья сайланган ҳисобланади.

Кенгашнинг ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширувчи ўн бир нафар аъзоси таркиби уч нафардан Олий суд судьялари, тўрт нафардан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судьялари ҳамда тўрт нафардан туманлараро, туман (шаҳар) судлари судьяларидан шакллантирилади.

Кенгашнинг ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширувчи етти нафар аъзоси фуқаролик жамияти институтлари ва юридик таълим ташкилотларнинг ушбу масала юзасидан чиқириладиган умумий йиғилиши томонидан ёпиқ овоз бериш йўли билан сайланади.

Кенгаш раиси сайланган судьялар орасидан, Кенгаш раисининг ўринбосари судьялар ва ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислар

орасидан Кенгаш аъзолари томонидан ёпиқ овоз бериш йўли билан сайланади.

Кенгаш раисининг ўринбосари бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабини бошқаради.

Кенгашнинг раиси, котиби ва судьялар орасидан сайланган ўн бир нафар аъзоси ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади, Кенгашнинг қолган саккиз нафар аъзоси, шу жумладан Кенгаш раисининг ўринбосари ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

Кенгашнинг судьялар орасидан сайланган ва ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширувчи ўн бир нафар аъзоси Кенгаш томонидан унинг раиси тақдимига биноан Кенгашнинг шўъбалари ҳамда Суд инспекцияси таркибига, шу жумладан мазкур тузилмаларнинг раҳбарлари лавозимларига сайланади.

### **27-модда. Кенгаш аъзосининг ваколатлари муддати**

Кенгаш аъзоси беш йил муддатга сайланади.

Кенгаш аъзолари сурункасига бир муддатдан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонунинг 6-моддасини қуйидаги тахрирда баён қилиш:

### **6-модда. Конституциявий суд судьясининг ваколат муддати**

Конституциявий суд судьясининг ваколат муддати — биринчи марта сайланганда беш йилни, иккинчи марта сайланганда ўн йилни ташкил этади.

Конституциявий суднинг судьяси лавозимида бўлишнинг энг юқори ёши пенсия ёшига тўлгунга қадар ташкил этади.

Айни бир шахс икки мартадан ортиқ Конституциявий суднинг судьяси этиб сайланиши мумкин эмас.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга оид таклифлар:

### **63<sup>1</sup>-модда. Судьянинг ваколат муддати ва уни ҳисоблаш тартиби**

Судья пенсия ёшига тўлгунга қадар белгиланган тартибда тайинланади ёки сайланади.

### **79-модда. Суд ҳокимиятини молиялаштириш**

Суд ҳокимиятини молиялаштириш, уларнинг моддий-техника ва ўзга хил таъминоти, биноларини қўриқлаш ва сақлаб туриш республика бюджетининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ажратиладиган маблағларнинг миқдори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади.

Суд ҳокимиятининг молиявий харажатлар сметаси лойиҳаси Судьялар олий кенгаши томонидан Олий Мажлисга тақдим этилади ва у ерда муҳокама қилинади, шунингдек ажратилган пул маблағларини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш Судьялар олий кенгаши билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

**SCIENTIFIC COUNCIL DSc.07/27.02.2020.Yu.108.01 AWARDING  
SCIENTIFIC DEGREES AT THE LAWYER'S TRAINING CENTER  
UNDER THE MINISTRY OF JUSTICE OF THE REPUBLIC OF  
UZBEKISTAN**

---

**THE SUPREME SCHOOL OF JUDGES UNDER THE SUPREME  
JUDICIAL COUNCIL OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**SULAYMANOV ODILJON RABBIMOVICH**

**ORGANIZATIONAL AND LEGAL ISSUES OF THE IMPLEMENTATION  
OF INTERNATIONAL LEGAL STANDARDS IN THE FIELD OF  
INDEPENDENCE OF JUDICIAL POWER**

**12.00.10 – International law**

**ABSTRACT**  
**of the dissertation of the doctor of sciences (DSc) on legal sciences**

**Tashkent – 2020**

**The theme of the doctoral dissertation (DSc) was registered at the Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under number B2020.2.DSc/Yu120.**

The doctoral dissertation is prepared at the Supreme School of Judges under the Supreme judicial council of the Republic of Uzbekistan.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (uzbek, english and russian (summary)) on the web-site of the Scientific Council (<http://uzmarkaz.uz/>) and on the Information educational portal "Ziyonet" ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

<b>Scientific supervisor:</b>	<b>Saidov Akmal Khalmatovich</b> Academician, Doctor of Science in Law, Professor
<b>Official opponents:</b>	<b>Mamatov Xudoyor Teshayevich</b> Doctor of Science in Law, Professor <b>Umaroxunov Irkin Mirzaxidovich</b> Doctor of Science in Law <b>Ismailova Gulnoza Saydiganixodjayevna</b> Doctor of Science in Law, Associate professor
<b>The leading organization:</b>	<b>Academy of the Prosecutor General's Office of the Republic of Uzbekistan</b>

The defense of the dissertation will be held on December 29, 2020 at 10.00 am the session of the Scientific council DSc.07/27.02.2020.Yu.108.01 awarding scientific degrees under Lawyer's Training Center under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan (Address: 100192, Uzbekistan, Tashkent, st. Katta Darkhon, 6. Tel.: (99871)234-56-02; fax: (99871)234-55-63; e-mail: [yurmarkaz@adliya.uz](mailto:yurmarkaz@adliya.uz)).

Doctoral dissertation is available at the Information-Resource Center of the Lawyer's Training Centre under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan (registered 4708) (Address: 100192, Uzbekistan, Tashkent, st. Katta Darkhon, 6. Tel. : (99871) 234-51-82).

The abstract of the dissertation submitted on December 15, 2020.

(Registry protocol № 2 on December 15, 2020).

**A.A. Otajonov**

The Chairman of the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Science in Law, Professor

**Sh.N. Rakhmanov**

The Secretary of the Scientific Council for awarding scientific degree, PhD in Law

**M.A. Tillabaev**

The Chairman of the Scientific Seminar at the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Science in Law, Associate Professor

## INTRODUCTION (annotation of doctoral dissertation)

**The relevance and necessity of the theme of the dissertation.** The issue of the independence of judicial power and the achievement of fair trial in the world remains a significant and urgent problem in an increasingly globalized era. According to the UN Office of the High Commissioner for Human Rights, the independence of judicial power and the free implementation of judges' activities are still in danger. Judges are exposed to threats, interference, intimidation and arbitrary arrests in the conduct of their professional activities<sup>1</sup>. From this view point, the improvement of organizational-legal issues of the implementation of international standards on the independence of the judiciary was evaluated as a means to achieve effective access to justice which is the theme of actual importance for conducting the research.

In the world special emphasis is paid to ensuring the right to an independent and impartial judiciary to handle a case, problems of implementing international standards on the independence of the judiciary, introduction of institutional and individual aspects of judicial independence, improvement of international standards of ethics and disciplinary responsibility of judges for administration of justice as well as formation of the judicial corps and application of judicial accountability.

In Uzbekistan the implementation of international standards related to the independence of the judiciary, increasing the efficiency of justice, improving the position of our country in international rankings are considered a priority as well. To confirm, the Government of the Republic of Uzbekistan invited the UN Human Rights Council Special Rapporteur on the Independence of Judges and Advocates to Uzbekistan in 2019 and presented its report on the achievements and current problems of judicial independence in Uzbekistan at the 44th session of the UN General Assembly Human Rights Council<sup>2</sup>. Besides, the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan №PR-4210 “On measures to improve the position of the Republic of Uzbekistan in international rankings and indices” was adopted<sup>3</sup>.

At the root stage of large-scale and consistent judicial reforms carried out in Uzbekistan there is an idea of ensuring human rights which are defined as the highest value in our Constitution. After all, only by obeying the laws, fair decision-making is the most necessary criterion for the independence of judicial bodies and judges. Only then, as the President of the Republic of Uzbekistan

---

<sup>1</sup> The Special Rapporteur on the Independence of Judges and Lawyers.// <https://www.ohchr.org/en/issues/judiciary/pages/annual.aspx>

<sup>2</sup> Visit to Uzbekistan Report of the Special Rapporteur on the independence of judges and lawyers// <https://undocs.org/en/A/HRC/44/47/Add.1>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4210-сон қарори.// <https://www.lex.uz/docs/4215422#undefined> (The Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan No. “On measures to improve the position of the Republic of Uzbekistan in international ratings and indices”).

Sh.M.Mirziyoyev said “anyone who steps on the threshold of the court will be able to make sure that justice is fully ruled in Uzbekistan”<sup>4</sup> .

The dissertation serves to a certain extent to the implementation of the tasks set forth by the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M.Mirziyoyev in his appeal to the Oliy Majlis on January 24, 2020, Actions Strategy for the further development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021 approved by the Decree of President №PD-4947 dated from February 7, 2017, the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan “On measures to improve the position of the Republic of Uzbekistan in international ratings and indexes” №PR-4210 dated from February 25, 2019 and paragraph 2 within the second direction of the State Program for 2020 on the realization of the Year of Enlightenment and Development of the Digital Economy.

**The relevance of the research to the main priorities of the development of science and technology in the Republic.** This dissertation research has been conducted in accordance with the priority direction of the development of science and technology in the Republic I. “Spiritual, moral and cultural development of a democratic and Legal Society, formation of an innovative economy”.

**Review of foreign academic research on the subject of the dissertation<sup>5</sup> .** Academic research devoted to improvement of international and regional standards for the independence of judicial power and the implementation into the national legislation are carried out in leading scientific centers and institutions of higher education, including the British Institute for International and Comparative Law, Oxford Law Faculty (UK), Federal Judicial Center, Columbia Law School's research centers (USA), German Judicial Academy, Ludwig-Maximilians-Universität München (Germany), The French National School for the Judiciary, the Sorbonne Research Institute for International and European Studies (France), Russia State University for Justice, Law faculty of Moscow State University (Russia), Nagoya University Graduate School of Law, the Legal Training and Research Institute of Japan (Japan).

As a result of the foreign research mentioned above on improving the issues of the organizational-legal bases for judicial independence, the following scientific results have been obtained: handling a case adhering to transparent and fair requirements by independent and impartial judiciary (British Institute of International and Comparative Law (UK), minimizing the role of the executive and legislative branches of government in selection and appointment of judges (Federal Judicial Center, USA), determining the criteria for selection and appointment of judges in the Constitution and laws (German Judicial Academy, Germany), determining the legal basis for disciplinary liability of judges in legislation (The Sorbonne Research Institute for International and European Studies, France),

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020 й. <https://president.uz/uz/lists/view/3324> (The Appeal of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis, 24.01.2020).

<sup>5</sup> Review of international research on the topic of the dissertation [www.europeanlawinstitute.eu](http://www.europeanlawinstitute.eu), [www.law.ox.ac.uk](http://www.law.ox.ac.uk), [www.law.columbia.edu](http://www.law.columbia.edu), [www.fjc.gov](http://www.fjc.gov), [www.rgup.ru](http://www.rgup.ru), [www.law.msu.ru](http://www.law.msu.ru), [www.deutsche-richterakademie.de](http://www.deutsche-richterakademie.de), [www.uni-muenchen.de](http://www.uni-muenchen.de), [www.ejtn.eu](http://www.ejtn.eu), [www.pantheonsorbonne.fr](http://www.pantheonsorbonne.fr), [www.law.nagoya-u.ac.jp](http://www.law.nagoya-u.ac.jp), [www.courts.go.jp](http://www.courts.go.jp) and based on other sources.

moral-ethical aspects of the administration of justice are the guarantees of exercising the administration of justice, (The Legal Training and Research Institute of Japan, Japan).

Today in the world the research on the implementation of international standards for the independence of the judiciary is being conducted in the following priority areas: reforming the judiciary in a globalizing and digitalizing world; the place and role of the judiciary in the transitional period; contemporary problems of ensuring the independence of the judiciary; judiciary and accountability; improving the moral-ethical aspects of justice and the disciplinary liability of judges; improving the system of financing the judiciary; improving the forms and methods of implementing international standards on the independence of the judiciary.

**The degree of the research development on the problem.** The issues on the independence of judicial power and its role in the separation of state power were analyzed by A.Kh.Saidov, X.T.Adilkariev, A.S.Tursunov, L.A.Saidova, F.Kh.Atakhanov, M.A.Tillabayev, B.N.Toshev, I.M.Umarakhunov, X.T.Mamatov, G.S.Ismailova, A.R.Muminov.

The issues of the implementation of international human rights standards into the national legislation were discussed by B.I.Ismailov (international standards in the field of human rights and freedoms and national legislation of the Republic of Uzbekistan), A.B.Gafurov (international law and the interaction of national legislation on human rights), G.Yuldasheva (implementation of international legal norms on human rights into the national legislation of the Republic of Uzbekistan), N.A.Nugmanov (application of international legal norms on human rights in the Republic of Uzbekistan) in their academic studies.

The application of the norms of international law in courts and the peculiarities of the rule-making in international law were considered by I.I.Bobokulov (peculiarities of the rule-making in international law), X.M.Tursunov (problems of applying international legal norms in national courts), Sh.N.Rakhmanov (recognition of the resolutions of international organizations as a source of international law), D.Yu.Sattarov (the main principles of international law as the basis of UN international law).

The formation and development of the judicial power in the Republic of Uzbekistan, the role of judicial power, the formation of a judicial body are the issues analyzed by F.F.Mukhitdinova (formation and development of judicial power in the Republic of Uzbekistan), Sh.A.Umarova (the role of judicial power in the construction of a democratic legal state in the Republic of Uzbekistan), J.H.Abdurakhmonkho'jaev (improvement of the formation of the judicial Corps in Uzbekistan and ensuring their independence).

The legal nature of international legal standards on the independence of judicial power, the accountability of judicial power, the ethical rules for judges as well as the theoretical and practical aspects of international standards on disciplinary proceedings were considered by a number of foreign scholars and researchers such as B.John, D.C.Beers, M.Bobek, D.Kasar, M.Cappelletti, C.Gayh, D.Drummond, M.Lachs, D.Pimentel, Ph.Russell, D.M.O'brien, P.Mahoney,

L.Seidman, J.C.Spigelman, S.Shetreet, N.Stephen, I.Lukashuk, I.M.Lifshis, R.A Myullerson<sup>6</sup> .

The degree of academic study of this problem in the theory of international law indicates that issues such as the implementation of international standards on human rights into the national legislation, the application of the norms of international law in national courts, the formation and development of judicial power in the Republic of Uzbekistan, the role of judicial power, the formation of judicial corps have been widely studied.

However, the analysis of these studies showed that theoretical and practical issues related to organizational and legal issues of international legal standards of independence of judicial power of the Republic of Uzbekistan have not been completely and thoroughly studied.

